

Бухородаги архитектура ёдгорлиги. Қадимги шаҳристоннинг жанубида қурилган. Масжид ўрнида дастлаб оташпарастрлар ибодатхонаси бўлган. Ибодатхона атрофи пастрок ерга жойлашган ва унинг ёнида бозор бўлган (форсча магоки — чуқурлик номи ҳам шундан). Вақт ўтиши билан масжид қўмилиб кетган. 1934—1935 йиллари В.А.Шишкин раҳбарлигида археологик казишлар ўтказилди. Масжид, айниқса, унинг жанубий пештоки фақат Бухоронинг эмас, балки бутун Марказий Осиё бадий маданиятининг қимматбаҳо ёдгорлиги сифатида қадрланади.